Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 15 (144) • 2008 йил 11 апрель

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## Парламент хабарлари

*Олий Мажлис Сенатида*



## ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

***Кеча – 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг имзоси билан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-148-сон Қонуни кучга кирди. Бу Қонуннинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашиш учун мухбиримиз Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси, сенатор А.Алтиев билан учрашди.***

– Абдурашид Султонович, мазкур Қонуннинг маъқулланишига қандай омиллар сабаб бўлди, шу ҳақда гапириб берсангиз?

– Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида хусусий сектор барча соҳаларда тобора устувор аҳамият касб этиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 75%дан ошиб бормоқда. Қолаверса, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда, шунингдек ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва шу асосда сифатли, рақобатга бардошли ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб турибди. Шу мақсадда Президентимизнинг 2007 йил 20 июлда «2007-2010 йилларда хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 672-сон Қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор билан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг замон талабларидан келиб чиққан, янгиланган Дастури тасдиқланиб, давлат объектларини хусусий инвесторларга сотиш самарадорлигини сифат жиҳатидан юксалтириш устуворлиги белгиланди. **Шу туфайли давлатимиз раҳбари давлат мулкини хусусий инвесторларга сотиш самарасини таъминлашда бюджетга хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни ошириш ҳисобига эмас, балки давлат мулкининг янги мулкдорлари – инвесторларнинг, жумладан хорижий инвесторларнинг корхоналарни ривожлантиришга қаратилган инвестиция мажбуриятлари билан жалб этилиши бўйича ишларни кенг кўламда кучайтириш масаласини қўйди.** Шундан келиб чиқиб, инвесторлар таклифларини баҳолашда, биринчи навбатда, **хусусийлаштирилаётган объектни сотиб олиш тўловлари миқдори эмас, балки инвесторнинг хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариши ёки хизматлари сифатини юқори даражага юксалтириш,** замонавий технологиялар, ускуналар билан таъминлашга ва самарали менежментни ташкил этишга қаратилган **инвестиция дастурининг мазмунига кўпроқ эътибор қаратилди.**

Инвесторлар томонидан хусусийлаштирилаётган корхоналарни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятларини олди-сотди шартномаларида белгиланган ҳажм ва муддатларда бажарилишини таъминлаш ҳамда корхоналарга инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мол-мулк даромад, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ва қўшилган қиймат солиқларига тортилмаслиги, шунингдек инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди-сотди шартномасига кўра корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисобига мажбурий тарзда ундириб олинмаслиги яхши имтиёз ҳисобланади.

Шу муносабат билан айтишимиз мумкинки, амалдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш тартиби» номли 47-моддасига қўшимча киритилиши айни муддао бўлди. Унга асосан **инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини қоплаш ҳисобига мажбурий тартибда олинмаслиги назарда тутилган.**

Илгари бу каби меъёрлар асосан қонуности ҳужжатларида акс этган бўлиб, корхоналарни бепул беришда пул маблағлари кўринишида келиб тушадиган инвестиция мажбуриятлари алоҳида субсчётга ўтказилар ва бу маблағлар, шунингдек, инвестор томонидан киритиладиган мулк тузилажак шартномаларга мувофиқ инвестиция даври мобайнида мажбурий тўловлар ва йиғимлар бўйича қарзларни сўндириш учун олиниши мумкин эмаслиги белгиланган эди. Қолаверса, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари эвазига келтирилган мулкларни суд қарорларига асосан хатлаб сотиш ҳолатлари учраб турарди.

Масалан, Наманган вилоятида жойлашган «11-автосарой» ва «Косонсой уй меҳнати» акционерлик жамиятлари инвестиция мажбуриятлари эвазига 2006 йилда инвесторларга бепул берилган. Инвесторлар томонидан зиммасига олинган 166 млн сўмлик инвестиция мажбуриятларидан 64 млн сўми (39%) бажарилган. Бироқ иқтисодий ночорлиги туфайли суд қарорларига асосан корхоналар банкрот деб эътироф этилган. Ушбу жамиятларга инвестиция мажбуриятлари эвазига келтирилган ускуналар тугатиш массасига киритилиб хатланган ва сотувга чиқарилган эди.

Ёки бошқа бир ҳолатни кўрсак. «Нишон автотранспорт» МЧЖ 2007 йил бошида «Каспи автотранспорт» МЧЖга 125,0 млн сўм инвестиция киритиш шарти билан сотилган. Лекин суд ижрочилари томонидан корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан 57,0 млн сўмлик қарзи ҳисобига асосий ҳаракатдаги транспорт воситалари сотилган. Натижада инвестор томонидан 50,0 млн сўмдан ортиқ (мавжуд транспорт воситаларига эҳтиёт қисмлар кўринишидаги) инвестиция киритилмай қолган.

Ушбу муаммолар натижасида давлат активларини сотиб олиш ва инвестиция мажбуриятлари шартларини келишиш жараёнида инвесторлар томонидан киритиладиган инвестициялар, айниқса пул маблағлари хусусийлаштирилаётган корхонанинг илгари вужудга келган қарздорлигини қоплашга мажбурий ундирилиши муаммоси вужудга келган эди.

Бу эса, ўз навбатида, инвестицияларни пул маблағлари кўринишида эмас, балки турли асбоб-ускуналар кўринишида олиб кирилишига устуворлик яратиб, хусусийлаштирилган корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш имкониятларини бир қанча чеклаган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонуннинг кучга кириши иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар жалб этилишини фаоллаштиришга, хусусийлаштириш жараёнлари ва инвесторлар томонидан инвестиция киритиш учун мақбул ва қулай шарт-шароитларни яратишга омил бўлади. Шунингдек, бу ҳужжат билан маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада мустаҳкамланади, инвестиция ресурсларидан мақсадли фойдаланиб хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

***Нодир АЛИМОВ***
***ёзиб олди.***

## ҲИСОБЛАГИЧЛАР ҚАЛЛОБЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, жумладан, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида истеъмолчиларнинг барча тоифаларида ташқаридан аралашишга йўл қўймайдиган ва муддати ўтказиб юборилган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда истеъмолчиларни электр энергияси манбаларидан ўз-ўзидан узиб қўйиш имконини берадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий приборларини босқичма-босқич жорий этиш қайд этилган.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун 8 305 истеъмолчи иши фуқаролик судларига юборилган, 797 та хонадон тармоқдан узиб қўйилган. Қоидабузарлар орасида нафақат жисмоний, балки юридик шахслар ҳам тез-тез учраб туради. Масалан, 283 истеъмолчи қоидага мувофиқ олдиндан тўланадиган 30 фоиз микдоридаги тўловни ўз вақтида тўламагани учун электр тармоғидан узиб қўйилган.

2006 йилда ҳукуматимиз томонидан электр таъминоти муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга қаратилган дастур тасдиқланди. Биринчи навбатда, электр энергиясини электрон ҳисобга олиш приборларини жорий этишга қарор қилинди. «Elektronxisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди ва бу аҳолини янги ҳисоблагичлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Тошкент шаҳрининг ўзидагина истеъмолчиларга 2008 йил бошидан буён ўрнатилган шундай приборлар сони 107 мингдан ошди.

– Электр энергиясини автоматик назорат қилиш тизими ичида ўрнатилган модем орқали сарфланган энергия киловатт-соати тўғрисидаги маълумот «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамиятида жойлашган марказий серверга узатилади, – дейди корхона электр энергиясини автоматик назорат қилиш тизими бўлими бошлиғи Анатолий Ермохин. – Шу тариқа, қарздорлик ҳақидаги ахборот серверга зудлик билан келиб тушади. Қарз 15 кун ичида тўланмаса, бепарво қарздорлар электр энергиясидан автоматик равишда узиб қўйилади. Эски индукцияли ҳисоблагичлардан тубдан фарқ қиладиган ушбу янги прибoрнинг юқори даражада аниқлиги унинг муҳим устуворлиги ҳисобланади.

Янги ҳисоблаш приборлари бошқа кўплаб афзалликларга ҳам эга. Биринчидан, марказий пультда (компьютерда) ўрнатилган ҳисоблагич ва диспетчерлик дастури ўртасида ахборот алмашиш 0,4 кВ линияси бўйича таъминланади ва бу борада қўшимча ахборот тармоғини ўтказиш шарт эмас. Иккинчидан, барча маълумотларни тўплаш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тўлиқ марказлаштирилган ҳамда автоматлаштирилган. Бу эса ҳисоблагичлар хотирасидаги кўрсаткичларни ўзгартиришга йўл қўймайди. Учинчидан, электр энергиясини автоматик назорат қилиш тизими абонентни электр тармоғига улаш ва узиб қўйиш жараёнини автоматик тарзда бошқаришни таъминлайди, шунингдек, ҳисоблагич параметрларини масофадан туриб созлаш имконини беради. Энг асосийси эса, янги ҳисоблагичлар истеъмол қилинадиган электр қувватини назорат қилиш ва белгиланган лимитдан ошганда абонентни тармоқдан узиб қўйиш имкониятига эга. Масалан, DDSY580 ҳисоблагичи 1-тоифали аниқликка эга бўлиб, унинг белгиланган кучланиши 220 В. Янги ҳисоблагичлардан фойдаланиш муддати 20 йилни ташкил этади ва ундаги барча маълумотлар электр таъминотидан узиб қўйилган тақдирда ҳам 10 йил мобайнида сақланади.

Хонадонларда ҳисоблагичларни туман электр станциялари мутахассислари алмаштиради. Бунда эски ҳисоблагич пломбали бўлса, янги электрон ҳисоблагич «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси ҳисобидан ўрнатилади. Агарда, унинг пломбаси бузилган бўлса, бундай прибор қонуний ҳисобланмайди ва у энергия истеъмолчиси ҳисобидан ўрнатилади.

***ЎзА материали асосида тайёрланди.***

УШБУ СОНДА

2-3-бетлар — Юклар транзити даромад манбаи
4-5-бетлар — Жанжалли идорадан барака кетади
6-бет — Ҳуқуқий ёрдам
7-10-бетлар — Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

$1 = 1301,81 сўм €1 = 2042,41 £1 = 2586,31 сўм ¥10 = 128,42 сўм

INTER PRESS

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

pr44_045

www.interpress.uz

тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# МАСАЛАНИНГ БАҲОСИ – МИЛЛИАРДЛАБ



Президент Ислом КАРИМОВ 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида асосан транспорт ва телекоммуникация хизматлари экспорти юқори суръатларда ўсганлигини таъкидлади, ташқи савдо юкларини ташишларни оптималлаштириш, янги транспорт йўлакларини ўзлаштириш, республиканинг транспорт салоҳиятини кескин ошириш борасида аниқ чора-тадбирларни белгилади. Иқтисодиётимизнинг тармоқ ва соҳаларини барқарор, мутаносиб ва комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

***Юклар транзити – юқори фойда келтирадиган, «валюта олиб келувчи», ҳар қандай давлатнинг геосиёсий жойлашишига бошқа тармоқларга қараганда энг кўп таъсир кўрсатадиган бизнес, у нафақат транспорт комплексимиз, балки умуман иқтисодиётни ҳам ривожлантиришни рағбатлантирадиган омилга айланиши керак. Ўз транспорт тизимимизга халқаро транзитни жалб этиш биз учун беқиёс фойдалидир. Кўп мамлакатлар – Польша, Чехия, Венгрия, Австрия, Германия, Болтиқбўйи давлатлари нисбатан кичик ҳудудга эга бўлсалар-да, ўзларининг қулай географик ҳолатидан фойдаланиб, ташқи савдо ташишларини давлат даромадларининг муҳим манбасига айлантирганлар. Мисол учун, Голландия хизматлар экспортининг умумий ҳажмида транзитдан даромадлар улуши 40%дан ошади. Амалда мамлакат Европанинг транзит чорраҳасига айланди, транспортнинг техник тавсифларига қаттиқ талаблар қўйилиши унинг экологиясига ҳеч ҳам зарар қилмайди, бироқ давлат хазинаси учун жуда фойдалидир.***

***28 мартда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида юклар транзитини тартибга солувчи миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга, шунингдек ушбу соҳада салоҳиятимизни рағбатлантира олиши мумкин бўлган омиллар таҳлилига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, ДБҚ, республика вазирлик ва идоралари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК мутахассислари, ташувчилар, экспедиторлар жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Иштирокчилар депутатлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, «Юклар транзити тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ ва миллий қонунчиликни халқаро қонунлар билан бирхиллаштириш зарур деб ҳисобладилар.***

### НИМАГА ЭГАМИЗ...

Бугунги кунда, **Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмасининг маълумотларига кўра,** республика орқали шимолий ва шимоли-ғарбий йўналишларда РФ, Украина ва Европа мамлакатларига, ғарбий ва жануби-ғарбий йўналишларда Кавказ, Эрон, Туркия ва Европа мамлакатларига, жанубий йўналишда – Трансафғон халқаро транспорт йўлаги бўйлаб Афғонистон, Эрон ва унинг денгиз портлари Чоҳбаҳор ва Бандар-Аббосга, шунингдек муқобил йўлак бўйлаб Покистон ҳамда Карочи, Касим ва Гвадар денгиз портларига йўналган 20 халқаро транспорт маршрутлари ўтган. Шарқий йўналиш бизни ХХР билан боғлайди.

Ўзбекистон орқали Осиёнинг беш шоссе йўли ва Европанинг икки автомагистрали ўтган. Республика Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилганидан кейин Евросиё ИҲ транспорт маршрутларининг рўйхати бизнинг ҳудудимиз ҳисобига ҳам кенгайди. Андижон-Ўш-Қошғар ўзбек автомобиль трассаси Марказий Осиёдан Хитойга чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон умумий масофаси 183 724 км бўлган ривожланган автомобиль йўллари тармоғига эга. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари (42 530 км) халқаро (3 626 км), умумдавлат (16 909 км) ва маҳаллий (вилоят) аҳамиятидаги (21 995 км) трассаларга бўлинади. Барча аҳоли пунктлари истисносиз барқарор автойўл алоқасига эга бўлиб, у чегарадош давлатларга чиқишни таъминлайди.

2007 йилда транспорт ва алоқанинг улуши ЯИМда 11,5%ни ташкил қилди. Мазкур соҳада турли мулкчилик шаклидаги 5,4 минг корхона (давлат секторининг улуши – 47,1%) фаолият юритяпти. Республика транспортчилари ўтган йили 888,8 млн тонна юк ташидилар (2006 йилга қараганда 9,4% кўп). Автоташишлар ҳиссасига 754,9 млн тонна тўғри келди. Юк обороти 18,2 млрд т/км ни ташкил қилди.



*Шуҳрат Хайруллаев, Ўзбекистон Республикаси ДБҚ раисининг ўринбосари.*

Республика автотранспорти ташишлар ҳажмида етакчи ўринни эгаллаган. Бунда кичик бизнес субъектлари улуши бир йилда 13,7% ўсди ва юк обороти умумий ҳажмининг 70%га яқинини ташкил қилди. Ўзбекистонни кесиб ўтган юк машиналари миқдори 2007 йилда 2004 йил билан қиёслаганда 85,6% ўсди.

Божхона юк декларацияларининг таҳлили шуни кўрсатадики, темир йўл транспорти томонидан 2000-2007 йилларда ташилган бир тонна транзит юкнинг ўртача қиймати 1,19 минг АҚШ долларини ташкил қилган. Автомобиль транспорти учун ушбу кўрсаткич 1,71 минг долларга тенг – яъни автойўлларда қимматроқ турадиган юклар ташилмоқда.

Темир йўл транспорти ҳам халқаро ташишларда фаол иштирок этмоқда. **«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК вакилининг айтишича,** транзит 2007 йилда компания юк оборотининг умумий ҳажмида 30%ни ташкил қилган ва унга 210,2 млрд сўм даромад келтирган (2006 йилга қараганда 20,6% кўп). Транзит ташишларнинг умумий ҳажми бир йилда 14,6% ўсган ва 9,7 млн тоннани ташкил қилган. Компания темир йўл магистралларини реконструкция қилиш ва қуришни давом эттирмоқда, электровозлар ва контейнер-вагонлар паркини янгиламоқда.

Умуман олганда транспортнинг барча турлари (самолётда ташишлар ҳам киради) билан транзит ташишнинг ҳажмлари кейинги 7 йил ичида деярли 200 баравар ўсди. Ўзбекистон ўзининг транспорт секторини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ўз ҳудуди орқали юк оқимларини кўпайтириш мақсадини қўйиб, транспорт инфратузилмасига ва янги транспорт йўлакларини шакллантиришга салмоқли инвестициялар қўймоқда.

Шу билан бирга давра суҳбати иштирокчилари республика ўзининг реал салоҳиятларидан фақат оз даражада фойдаланяпти деган фикрда якдил бўлдилар. Мавжуд маълумотларга кўра, Европа ва Осиё мамлакатлари ўртасидаги товар оборотининг ҳар йилги ҳажми қарийб 700-750 млрд АҚШ долларини, Европа ва Осиё ўртасидаги юклар транзитидан давлатлар бюджетларига тушумлар эса деярли 40 млрд долларни ташкил қилади. Қисқаси, интилишимизга омил бор. 2010 йилга келиб Европа ва Осиё ўртаси-

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австрия доллари | 1187,12 | 1 Польша злотийси | 583,67 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2586,31 | 1 СДР | 2131,39 |
| 1 Дания кронаси | 273,99 | 1 Туркия лираси | 997,86 |
| 1 БАА дирҳами | 354,51 | 1 Швейцария франки | 1294,43 |
| 1 АҚШ доллари | 1301,81 | 1 ЕВРО | 2042,41 |
| 1 Миср фунти | 239,33 | 10 Жанубий Корея вони | 13,28 |
| 1 Исландия кронаси | 17,11 | 10 Япония иенаси | 128,42 |
| 1 Канада доллари | 1279,04 | 1 Россия рубли | 55,22 |
| 1 Хитой юани | 185,57 | 1 Украина гривнаси | 257,78 |
| 1 Малайзия ринггити | 408,37 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 9.04.2008 | 1 | 0,8315 | 1 | 1,3057 | 1 | 0,0353 |
| Арманистон | 9.04.2008 | 1 | 309,12 | 1 | 485,97 | 1 | 13,13 |
| Беларуссия | 10.04.2008 | 1 | 2145 | 1 | 3369,37 | 1 | 91,11 |
| Грузия | 9.04.2008 | 1 | 1,4515 | 1 | 2,2873 | 1 | 0,0617 |
| Қозоғистон | 10.04.2008 | 1 | 120,57 | 1 | 189,67 | 1 | 5,12 |
| Қирғизистон | 5.04.2008 | 1 | 36,4206 | 1 | 57,204 | 1 | 1,5434 |
| Латвия | 10.04.2008 | 1 | 0,448 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,019 |
| Литва | 10.04.2008 | 1 | 2,1939 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,3208 |
| Молдова | 9.04.2008 | 1 | 10,4989 | 1 | 16,5137 | 1 | 0,446 |
| Тожикистон | 10.04.2008 | 1 | 3,4269 | 1 | 5,3782 | 10 | 1,4555 |
| Ўзбекистон | 8.04.2008 | 1 | 1301,81 | 1 | 2042,41 | 1 | 55,22 |
| Украина | 9.04.2008 | 100 | 505 | 100 | 792,547 | 10 | 2,1459 |
| Эстония | 9.04.2008 | 1 | 9,95299 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,422632 |

**Манба: www.prime-tass.ru**

УШБУ СОНДА:


✓ УСТУВОРЛИКЛАР
– Инвестиция оқими янада кўпаяди 1-бет
✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Масаланинг баҳоси – миллиардлаб доллар...
– Ишбилармонлар учун семинар
– Валюталар курси 2-3-бетлар
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Меҳнаткаш олим
– Жанжал идорадан баракани кўтаради 4-5-бетлар
✓ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ
– МЧЖ ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномаси қандай тузилади?
– Жавобни ўтган сондан изланг 6-бет
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Идоравий-меъёрий ҳужжатлар
– ЎзР ДСҚ, АВнинг «Уй-жойларни олиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганда давлат божини ундириш тартиби тўғрисида тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР Халқ таълими вазирининг «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;
– ЎзР Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори. 7-10-бетлар
✓ БИЗНЕС-ПАНОРАМА 11-16-бетлар

# ДОЛЛАР...

даги товар обороти тахминан 1,5 баравар кўпаяди ва 1 трлн АҚШ доллари даражасига етади деб прогноз қилинмоқда. Ундаги бизнинг улушимиз ҳозирча 0,36%ни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мутахассисларининг фикрича, ишлаб чиқилаётган «Юклар транзити тўғрисида»ги Қонун қуйидаги йўллар билан транзитни кенгайтириш учун шарт-шароит яратиши керак:

1) товарларнинг божхона расмийлаштирувидан тортиб уларни омборларга жойлаштириш ва сертификатлаштиришга қадар сифатли хизматлар кенг доирасини кўрсатадиган ҳудудий ва халқаро логистика марказлари ягона тизимини барпо этиш ва жорий қилиш;



*Галина Магай, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлимининг бошлиғи.*

2) кераксиз тўсиқларни йўқ қилиш, божхона назоратини такомиллаштириш ва тезлаштириш, муқобил инфратузилма барпо этиш орқали товарларни ташиш қийматини иложи борича камайтириш;

3) республика ҳудудида янги транспорт йўлакларини очиш ва ишлаб турганларининг барқарор фаолият кўрсатиши (давра суҳбати иштирокчилари автомагистраллар айрим участкалари қопламининг сифати ёмонлигига алоҳида эътибор қаратдилар);

4) халқаро меъёрлар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда экспедиторлик фаолиятининг ишончли ва сифатли фаолият кўрсатишини таъминлаш;

5) аралаш ташиш операторлари ва суғурта компанияларимиз томонидан бутун бориш йўлида халқаро транзит юкларини суғурталаш институтини шакллантириш;

6) транспортнинг барча турлари (улар тармоқнинг ўзига хослиги ва рақобатбардошлик даражаларидаги фарқ туфайли ҳозирча транспорт хизматлари бозорида зиддиятли муносабатлардалар) ўртасида барқарор стратегик ҳамкорликни таъминлашга ва транспорт ресурсларидан энг кўп фойдаланишга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини амалга оширишга қодир ягона мувофиқлаштирувчи органни белгилаш.

**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти** қонун лойиҳасида Президентнинг 2007 йил 4 октябрдаги ПҚ-703-сон қарорига[1] мувофиқ божхона органларининг депозит ҳисобварағига божхона тўловларининг барча суммасини киритиш талаб қилинадиган юкларга нисбатан божхона органларининг темирйўлчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби назарда тутилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Уларга доир маблағлар келиб тушмаган вагонларнинг туриб қолиши темир йўл компанияси учун ушлаб туришнинг бутун муддатига «бошқа давлатнинг вагонларидан фойдаланганлик» учун ҳақ тўлаш кўринишида зарар келтиради.

Мутахассислар халқаро автомобилда юк ташишларни ривожлантиришда республика кичик бизнесининг салоҳияти салмоқли эканлигини қайд этадилар. Бироқ ҳозирча у тўлиқ даражада рўёбга чиқарилиши мумкин эмас: кичик бизнесимизнинг катта қисми Евроиттифоқ мамлакатларига кириш ҳуқуқини берадиган тавсифли транспорт воситаларига эга эмас. Шу боис ташишларнинг энг кўп қисми чет эллик операторлар зиммасига тушмоқда, улар орасида трафик ҳажми бўйича туркиялик ташувчилар етакчидир. Бу хусусда бугуноқ ўйлаш керак: юк ташишлар соҳасидаги рақобат кун сайин ўсиб бормоқда ва «шамол бизнинг томонга ҳам эсиши» учун имкони борича тезроқ шарт-шароит яратиш керак.

Соҳани ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатадиган энг му-



*Владимир Бахолдин, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бошқаруви раис ўринбосари.*

ҳим омиллар сирасида тариф сиёсати қайд этилди. Аниқроғи – унинг мослашувчанлиги. Бунда Ҳамдўстлик бўйича қўшниларимиз тажрибаси кўргазмали мисол бўла олади: тарифни 1997 йилда 10%га камайтириш Транссиб[2] бўйлаб транзитни 29%га кўпайтирган.

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбир.***

---

*[1] «Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида».*

*[2] Транссибирь магистрали.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ*
*ЁТ/04-01-32-14/280-сон*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ*
*15/1-3518-сон*

*2008 йил 2 апрель*

## ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАРИГА ҲАМДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Келаётган сўровлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қуйидагиларни тушунтиради.

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306-моддасига кўра иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир. Солиқ кодексининг 172-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат шартномаларига мувофиқ ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича фаолиятни амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига ягона ижтимоий тўлов умумбелгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 305-моддасига кўра чет эл давлатларининг фуқаролари суғурта бадалларини тўловчилар ҳисобланмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 169-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларга Солиқ кодексининг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинади ва улар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ солинадиган база (170-модда) солиқ солишнинг белгиланган объектидан келиб чиқиб белгиланишини ҳисобга олиб, якка тартибдаги тадбиркор томонидан хўжалик юритувчи субъектлар учун хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажаришдан олинадиган даромадлар ягона ижтимоий тўлов бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди ва ушбу даромадлардан фуқароларнинг суғурта бадаллари ушланмайди.

***Ё.ТУРСУНОВ,***
***молия вазирининг ўринбосари.***

***Э.ГАДОЕВ,***
***ДСҚ раисининг биринчи ўринбосари.***

## ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Корхоналарни бошқариш бўйича ўқув маркази Тошкентдаги Буюк Британия Кенгаши офиси билан ҳамкорликда ва БМТРДнинг «Ўзбекистон Бизнес-форуми» лойиҳаси кўмагида «Бизнес самарадорлигини ошириш дастури» мавзуида икки кунлик семинар-тренинг ташкил этди.

Президент Ислом Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, бугунги кунда бизнес катта куч сарфланаётган соҳа, мулкдорлар синфини шакллантириш омили, аҳоли даромадини ошириш ва мамлакат фаровонлигини таъминлаш манбаи ҳисобланади. Ўзбекистонда бизнесни мустаҳкамлаш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлайди. Шу боис ушбу соҳани нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Семинарда консалтинг, маркетинг компаниялари, кичик корхоналар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари, ўз ишини бошлашни истаган тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад кичик бизнес вакилларининг пешқадамлик ва тадбиркорлик кўникмаларини ошириш, бўлажак бизнесменларга ўз ишини ташкил этиш ва такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд лойиҳалар сердаромадлигини яхшилаш ҳамда оширишга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Корхоналарни бошқариш бўйича ўқув марказидан хабар қилишларича, семинар давомида компанияни бошқаришга таҳлилий ёндашиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, бизнес-режалар тузиш, реклама ва бизнесни юритишнинг бошқа кўплаб жиҳатлари муҳокама этилди.

***ЎзА.***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

*2008 йил 8 апрель ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси*

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотув | харид | сотув |
| ЎзР ТИФ МБ | 1312,00 | 1314,00 | 2028,00 | 2058,00 |
| "Асака" банки | 1312,00 | 1314,00 | 2042,00 | 2047,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1313,00 | 1315,00 | 2044,00 | 2054,00 |
| "Пахта Банк" | 1312,00 | 1314,00 | 2050,00 | 2055,00 |
| "Халқ банк"и | 1312,00 | 1314,00 | 2043,00 | 2055,00 |
| "Ипотекабанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2043,00 | 2050,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2060,00 | 2063,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1312,00 | 1315,00 | 2067,00 | 2072,00 |
| "UzKDBбанк" | 1312,00 | 1315,00 | 2043,00 | 2060,00 |
| "Ғаллабанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2043,00 | 2052,00 |
| "Трастбанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2043,00 | 2053,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1312,00 | 1314,00 | 2052,00 | 2057,00 |
| "Алоқабанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2044,00 | 2074,00 |
| "Ў-Т банк" | 1312,00 | 1315,00 | 2043,00 | 2065,00 |
| "Туронбанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2040,00 | 2070,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1312,00 | 1315,00 | 2045,00 | 2060,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1313,00 | 1315,00 | 2020,00 | 2045,00 |
| "Туркистон" банк | 1313,00 | 1315,00 | 2042,00 | 2050,00 |
| "Даврбанк" | 1312,00 | 1315,00 | 2043,00 | 2055,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1313,00 | 1315,00 | 2043,00 | 2073,00 |
| "Капитал банк" | 1313,00 | 1315,00 | 2042,50 | 2073,00 |
| "Содерат банк" | 1312,00 | 1315,00 | 2018,00 | 2048,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2020,00 | 2060,00 |
| "Универсалбанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2058,00 | 2061,00 |
| "Парвинабанк" | 1312,00 | 1315,00 | 2045,00 | 2048,00 |
| "Равнақбанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2028,00 | 2058,00 |

*"Банк ахборотномаси" 16 (623)-сон, 2008 йил 9 апрель.*


РЕКЛАМА



# МЕҲНАТКАШ ОЛИМ



***Машҳур ривоят бор: ҳазрати Умар (р.а.) давлат ишлари билан машғул бўлиб ўтирганларида, олдиларига бир дўстлари ташриф буюради. Шунда ҳазрат давлат хазинасидан олинган шамни ўчирадиларда, ўз ҳисобларидан сотиб олинган шамни ёқиб дўстлари билан суҳбат қурган эканлар.***

Давлат маблағларининг ҳисоб-китоби, оқилона сарф этилиши жамиятнинг фаол фуқароларини ҳеч қачон бефарқ қолдирмаган. Чунки давлат, яъни бюджет пули доимо муқаддас ҳисобланган, унга хиёнат қилишга йўл қўйилмаган, шунинг учун бу маблағларнинг ҳисоби – бухгалтериясига катта аҳамият бериб келинган. Иқтисодчи олим, профессор **Муҳаммадёқуб Остонақулов** ўзининг қарийб эллик йиллик меҳнат фаолиятини бухгалтерия ҳисоби масалаларига бағишлади.

М.Остонақулов 1938 йили Фарғона вилояти, Боғдод туманининг Конизар қишлоғида туғилиб ўсган. Ўрта мактабни битиргач, 1956-1959 йилларда Тошкент бухгалтерия ҳисоби техникумида ўқиди ва шу билан бутун ҳаётини бухгалтерия ҳисобининг назарияси ва амалиёти билан боғлади. Чунончи, Тошкент халқ хўжалиги институтидаги таълимини ишлаб чиқариш корхонасида бухгалтер-оператор сифатида ишлаб давом эттирди. Бироқ у бу ерда узоқ қолиб кетмади: фанларни муваффақиятли ўзлаштирган талаба 2-курсдан ўқишни Ленинград молия-иқтисодиёт институтида давом эттира бошлади.

М.Остонақулов бухгалтерия сир-асрорларини ўрганар экан, назарий билимларини доимо амалиёт билан бирга олиб борди. Олий маълумот дипломини қўлга киритиб, муҳандис-иқтисодчи, бош бухгалтер, режа-диспетчерлик бюросининг бошлиғи вазифаларида ишлаб туриб, 1965 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг аспиранти бўлди. 1968 йилда М.Остонақулов «Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили» ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини Г.В.Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги институтида муваффақиятли ҳимоя қилди. Кейинчалик яна жонажон шаҳридаги олийгоҳда ассистентликдан то «Ҳисоблаш машиналари ва дастурлаш» кафедраси мудирлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

1974 йилда унинг раҳбарлигида Ўзбекистон олий ўқув юртларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг биринчи босқичи ишлаб чиқилди ва Давлат комиссиясига топширилди. Фаннинг замонавий ва истиқболли соҳаси бўлмиш электрон ҳисоблаш машиналари, дастурлаш тизимлари у илмий тадқиқотлар ўтказадиган асосий жабҳага айланди. Шунинг учун М.Остонақуловнинг меҳнат фаолияти билан бир вақтда электрон ҳисоблаш машиналари ва дастурлаш соҳаларига оид ёзган ўқув қўлланмаси ҳамда китоблари ўзбек тилидаги илк изланишлардан ҳисобланади. Унинг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари талабларидан келиб чиқиб ижод этган «Бухгалтерия ҳисобининг умумий назарияси» китоби Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтади.

Иқтисодчи олим ёзган бухгалтерия ҳисоботи, бюджет сиёсати, дастурлаш асослари, ғазначилик мавзуларидаги китобларнинг ҳаммаси амалиётга чамбарчас боғлиқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, олимнинг илмий изланишдаги йўли ҳам амалий фаолиятдан узилиб қолган эмас. У бир қатор вазирликларда, олий ўқув даргоҳларида ҳам ўқитувчи, ҳам илмий тадқиқотчи, ҳам бош бухгалтер лавозимларида ишлади.

Шунингдек, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Банк-молия академияси, Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув марказларида профессор лавозимида ишлади. 2005 йилдан Тошкент Молия институти, 2006 йилдан бугунги кунга қадар эса ўзининг қадрдон Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида профессор сифатида хизмат кўрсатиб келаётир.

Қарийб йигирма йил давомида иқтисодчи олим юртимиз ва хорижий давлатлардаги илмий конференциялар, нуфузли мажлисларда иштирок этиб, маърузалар ўқиган. Мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимлари билан бир сафда туриб, миллий иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига ўтиши жараёнлари ҳақида илмий изланишлар олиб борди. Унинг харажатлар ҳисобининг автоматлаштирилиши мавзусидаги монографияси, «Бухгалтерия ҳисобининг умумий назарияси» дарслиги, бюджет ҳисоби ва ҳисоботига бағишланган илмий китоблари, 2007 йилда ёзилган «Мактабларда бухгалтерия ҳисоби», «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби», «Молия органларида давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби» сингари қўлланма китоблари амалиётда ҳам, илмий доираларда ҳам кенг қўлланиб келинади.

М.Остонақулов илмий изланишларининг марказида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишда бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритиш сингари масалалар туради. Бугунги кунда муборак 70 ёшга тўлган олимнинг билимлари юзлаб шогирдларининг интеллектуал мулкига айланган, унинг ўзи ҳам иқтисодиёт фани ва Ватанимиз равнақи йўлида фаол хизматни давом эттираётир.

***Д.ЗАЙНАЛОВ,***
***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,***
***Молия ва суғурта хизматлари***
***кафедраси мудири, профессор.***

# ЖАНЖАЛ ИДОРАДАН

***Ташкилот ходимларининг ўзаро муносабатларидаги жанжал ва низолар бизнес равнақ топиши йўлида ғов бўлаётган омиллардан биридир. Оддий ходимлар ўртасидагина эмас, бошлиқлар билан уларнинг қўл остидагилар ўртасида ҳам баъзан гап қочиб, жанжалу низолар бўлиб туради. Бундай кезлари номатлуб ҳолатдан ҳар ким ҳам кўнгил хираликсиз чиқиш йўлини топишга ҳаракат қилади.***

## ҒАНИМЛАРЧА МУНОСАБАТ

Жамоа ичида машмаша, низоли вазият, ҳар қалай, учраб турадиган ҳол. Фирма раҳбарлари меҳнат унумдорлиги сифати ҳамкасблар ўртасидаги руҳий муҳитга боғлиқ эканлигини аллақачон эътироф этишган. Мабодо ходимлар ўртасида уруш-жанжал чиқса, бунинг касри энг аввало иш жараёнига уради. Одам иш жойида ўзини ўнғайсиз ҳис этса, қисилиб-қимтиниб юрса, бу унинг иш самарасига ҳам салбий таъсир этиши турган гап. Қолаверса, ғалваю можаролар ишлаб чиқаришга сарфлаш жоиз бўлган қанчадан-қанча вақт ва кучни олади.

Низо-келишмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаблар кўп. Деярли бир хил ёки бир-бирига ўхшаш лавозимдаги ходимлар ўртасида тенг меҳнат тақсимоти таъминланмаганлиги ҳам кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Айниқса, уларнинг баъзиларини бошлиқлар ўзларига яқин олиб, бошқаларига эса совуқроқ муомала қилса ёки жамоада кимлардир бошқаларга нисбатан камроқ ҳажмда иш бажарса, шундай бўлади. Раҳбарият бундай ҳаракати билан ўзи билмаган ҳолда ходимларни бир-бирига қайраб қўяди. Компанияда вазифа ва мажбуриятлар бировни иккинчисидан афзал кўрмаган ҳолда, тенг тақсимланмоғи лозим. Юқорида айтилган ҳолатларда ҳамкасблар бошлиққа эмас, балки бир-бирларига нисбатан ёвқараш қабилидаги муносабатга ўтиб оладилар. Негаки психологларнинг айтишича, ўз нуқтаи назарини одам ўзидаги бор имкониятни ишга солган кўйи ҳимоя этиши осонроқдир.

Ходимлар ўртасидаги ихтилофларга раҳбарнинг қўл остидагилардан бирига кўпроқ, бошқасига камроқ илтифот кўрсатишидан бошқа сабаб бўлиши ҳам мумкин. Ходимлар ўзгаларнинг иштирокисиз ҳам адоватга боришлари эҳтимолдан холи эмас. Келишмовчиликлар замирида қандай сабаблар ётмайди дейсиз?! Айтайлик, бир лойиҳа устида ишлаётган ходимларнинг нуқтаи назаридаги тафовут ҳам бунга сабаб бўлади. Зотан ўз нуқтаи назарини ўтказиб, ғояси амалга оширилишига эришиш кўпинча ходимга хизмат пиллапоясидан кўтарилиш имконини беради. Бундай вазиятларда низони бартараф этишнинг иложи йўқ ҳисоб, чунки иш натижалари бўйича ходимлардан фақат биттасининг мартабаси ошиши мумкин. Шу сабабли ҳар бири ғолиб чиқиш истагида ҳийла-найранг ва ғаламисликлардан ўзини тия олмайди. Ҳатто раҳбар ҳам уларни бундай кезлари босиб қўйиши даргумон: ўртада бир ходимнинг иккинчисидан устунлигини аниқлаш муддаоси турган экан, раҳбарнинг аралашуви билан низо яширин, пинҳона шаклга ўтиб олади.

Жамоадаги низолар иш билан боғлиқ бўлмаган муносабатлар сабабли ҳам келиб чиқиши мумкин. Айтайлик, баъзи ташкилотларда туб ерли аҳоли билан бошқа жойлардан келганлар ўртасида, эски ходимлар билан янги ходимлар ўртасида ихтилофлар чиқиши ҳоллари ҳам учраб қолади.

Аҳоли миграцияси кучайиб бораётганлиги ва бу нарса ишга жойлашувга таъсир этаётганлиги муносабати билан азал-азалдан шу ерда яшайдиганларнинг баъзилари бошқа ердан келганлар ўринларимизни эгаллаб олмоқда, деган хаёлга борадилар. Бошқа ердан келиб ўрнашиб олганлар ҳам фикр-мулоҳазада улардан қолишмайдилар. Фирмада кўп йиллик стажга эга бўлган ходимлар янги келганларга оғриниброқ иш ўргатадилар, баъзан уларни ўзларига рақиб, даъвогар деб биладилар. Ёшлар эса ёши улуғларга уларнинг даври ўтганлигини шама қилиш ва очиқчасига айтишдан тортинмайдилар. Шу зайл улар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

## БОШЛИҚ ҲАМИША ҲАМ ҲАҚМИ?

Муаммо кўпинча оддий ходимлар ўртасида чиқади. Шунга қарамай раҳбар билан унинг қўл остидагилар ўртасидаги муносабатлар кескинлик касб этиши мумкинлигини ҳам истисно этиб бўлмайди. Бу хилдаги тўқнашув, кўнгил хираликларни кузатиб бориш анча қийин. Чунки ходимларнинг аксарияти бошлиқнинг ғазабини қўзғатмаслик учун содир бўлаётган ишлар ҳақида оғиз очмасликни маъқул кўради. Норозироқ бўлиб юрган ходимларни тинчитиб қўйишда раҳбарлар кўпинча ўз мавқеларидан фойдаланадилар.

Ижтимоий ва меҳнатга оид ҳуқуқларга риоя этилишини ўрганиш якунлари шуни кўрсатмоқдаки, оддий ходимлар эмас, балки айни раҳбарият рутбасидагилар ходимларига кўпда қўпол муносабатда бўладилар, овозни баландлатиш, ўшқириш, ҳақоратомуз, ҳатто баъзан куракда турмайдиган сўзлар айтишгача бориб етадилар. Бундай тажовузкорона муносабатнинг сабаби, бир тарафдан, амалий мулоқот олиб бориш кўникмаси йўқлиги бўлса, иккинчи тарафдан, одам психологиясининг ўзига хос хусусияти, унинг дунёқараши ва дунёни англашида, қолаверса тарбиясидаги нуқсонларда мужассам топади.

Хизматдош ҳамкасабасидан кўра ўз раҳбари билан нари-берига боришдан шу ходимнинг руҳияти кўпроқ азият чекади. Негаки, бошлиқнинг янглиш, нотўғри муносабатидан ходим ўзини ҳимоя ва муҳофаза этиши қийинроқ. Қўполлик қилинган одамнинг ўзигина эмас, балки унинг атрофида ишловчи кишилар ҳам ўнғайсизлик ҳис этадилар. Бу ходимлар ҳам куни келганда ўз бошларига шундай ташвиш тушишидан хавотирлик, қўрқинч ҳис этадилар. Натижада беодоб муносабатга дучор бўлган ходим каби уларнинг ҳам меҳнат унумдорлиги пасайиб кетади.

Мутахассисларнинг тасдиқлашича, қўл остидаги ходимларга таъсир ўтказиш воситаси сифатида сўкинишдан фойдаланадиган бошлиқ ўз қадрини билмайдиган, ўзига жилла ишонмайдиган шахсдир. Мутахассислар айтмоқчи, раҳбарнинг қўл остидагиларга нисбатан муносабатда беадаблик кўрсатиши ўз мақоми устунлигини кўрсатишга шунчаки уриниш, холос. Тарбиясизликлари оқибатида улар ахлоқ-одоб қоидаларини менсимай, ходимлар билан шу тахлит муомала қилишга ҳуқуқлари борлигини оқламоқчи бўладилар. Бинобарин бошлиқ оғзидан чиққан ҳақорат ўзини кўз-кўз қилиш ва бошқаларни камситиш ҳисобига обрў олишнинг энг паст йўлидир.

Бундай ҳолларда корпоратив маданият ходимларни бўйсундиришнинг воситасига айланиб қолади. Ташкилотда бошлиқлар билан муносабатда оддий ходимларнинг катта-кичик мансаб эгаларига бўйсуниши қоидасига қатъий риоя этиш таомилга кирган бўлса-да, ходимларга нисбатан бундай нормалар белгиланмаган. Шу сабабли ҳам баъзи раҳбарлар қўл остидагиларга нисбатан қўполлик қилишни иш жараёнини фаоллаштиришнинг энг осон йўли деб ҳисоблайдилар.

Боз устига баъзи раҳбарлар, шу жумладан йирик компанияларнинг раҳбарлари ходимлар яхши муомалани тушунмайди деб ҳисоблашади. Агар раҳбар ўшқирса, одобсизларча сўкинса, иш дарҳол юришиб кетади ва ходимлар ҳаракатга тушиб, ҳаммасини ўз муддатида адо этишга ҳаракат қиладилар деб ўйлашади. Лекин бу хато фикр. Вазиятдан чиқиш йўли асло бу эмас.

Бизнес билан боғлиқ муҳитда амалий тусдаги бир қоида бор: ўз ишидан кўнгли тўлган ходимгина компания мижози талаб-эҳтиёжларини рисоладагидек қаноатлантириши мумкин. Ташкилот ичида ходим ўзига нисбатан раҳбарнинг ёки ҳамкасбларининг амалий йўналишдаги совуқ қилиқ ва ёмон одатларини сезса, у мижозлар билан муносабатда лоқайд бўлиши, уларга совуқ ёки қўпол муомала қилиши мумкин. Мабодо раҳбар ўз ходимини бошқалар олдида ўринсиз уялтирса, бу беайб ходим мижозларга хизмат кўрсатаётганда муомала бобида қуюшқондан чиқиб кетиши эҳтимоли оз эмас.

## ҚАЛОВИ ТОПИЛСА

Ҳеч ким жанжал ва низолашишдан холи эмас, бундай вазиятдан чиқиш учун ҳар ким ўзича тактика танлаши ҳам табиий. Жанжалга ўч киши билан, у хоҳ бошлиқ, хоҳ ҳамкасаба бўлсин, курашда энг кенг тарқалган усул бундай одам билан учрашишдан ёки у билан тортишишдан ўзини четга олишдир. Лекин бундай ҳолларда ходим ўз ҳуқуқларини ҳимоя этишдан воз кечишга, фикрини билдиришдан ўзини тийишга мажбур бўлади.

Баъзи ходимлар можародан қочишнинг бошқа йўлини танлайдилар. Юзага келган келишмовчиликни манфаатларидан воз кечиш ҳисобига бўлса ҳам йўқотишга уриниб, ўз нуқтаи назарларини мухолифнинг нуқтаи

# БАРАКАНИ КЎТАРАДИ

назарига мослаш йўлига ўтиб оладилар.

Муаммони ҳал этишнинг ҳар иккала усулини вазиятдан чиқишнинг дуруст йўли дейиш қийин. Бақамти бўлишдан четланиш ёки бошқанинг фикрига мосланиб олиш билан одам жамоада обрўсини йўқотиб, бебурдроқ бўлиб қолади. Уни назар-писанд қилмай қўйишади. Юзага келган можарони кескинлаштиришдан қочиб, низоли вазиятларда сукут сақлаб ўтиришни маъқул кўрган ходимдан тижорат бобида тузукроқ фикр чиқмайди. Яхши раҳбар эса битта фикрдан кўра иккитаси яхши эканлигини билади. Шу сабабли одам ҳамма нарсага кўнаверса ёки ҳар қандай ҳолатда ҳам фикр билдиришдан бўйин товласа, бизнес равнақига бундай ходимдан наф кам бўлади.

Оддий лавозимни эгаллаб турган одам фикр билдиришдан қочиш билан боғлиқ йўллардан бирини танлаб, шу тахлит иш тутса, у хизмат пиллапоясидан кўтарилиш, устама ҳақ олиш, рағбатлантиришлардан баҳраманд бўлишдан умид қилмаслиги керак. У ҳақда ташкилотда пайдо бўлган на иссиғи, на совуғи бор қабилидаги фикр бир умр ўзига ёрлиқ бўлиб қолишига ҳам кўникиши керак. Вақти келиб ўз нуқтаи назарини айтган тақдирда ҳам, унинг фикрини жиддий қабул қилмайдиган бўлиб қолишади.



Шу боис низоли вазиятлардан чиқишнинг энг яхши йўли муроса йўлини топишдир. Ходим мухолиф нуқтаи назарини тушунишга, ўзи билан бошлиқ ёки хизматдошлар ўртасидаги муаммоли муносабатларнинг келиб чиқиш сабабини англашга ҳаракат қилиши лозим. Низонинг ечим топиши кескин муносабатнинг ҳар иккала қатнашчисига боғлиқ, аммо муроса сари ким биринчи бўлиб қадам қўйган бўлса, шу кўпроқ ютади. Биринчидан, бундай вазиятда кибрга берилмай, ғурурни жиловлаш керак. Иккинчидан, ён беришдан биринчи бўлиб чўчимаган одам ҳурмат топади. Қолаверса, ташкилотларда ҳар қандай низо, можарони тинч йўл билан бартараф этишга қодир ходимларни жуда-жуда қадрлайдилар. Ҳатто низолашаётган иккинчи тараф ҳамкорлик сари юришга оёқ тираб туриб олган тақдирда ҳам, муроса йўлини таклиф қилган одам бошқа ходимлар кўз ўнгида, раҳбарлар наздида ғолиб саналади.

Башарти, муросасозликни кўзлаб қилинган узоқ уринишлардан кейин ҳам мухолиф муросага унамай, низолашишда давом этаверса, вазиятдан чиқишнинг бирданбир муносиб йўли курашни оқилона олиб боришдир. Бу тахлит қарама-қаршилик низонинг ҳар иккала тарафига фойдали эканлигига психологларнинг ишончи комилдир. Бундай кураш низо иштирокчиларида муваффақиятсизликларга қарши туриш кўникмасини ўстиради, пешқадамлик қилиш хислатини шакллантиради, ўз фикрини қатъий ҳимоя қилишга ўргатади. Лекин шуни ҳам унутмаслик зарурки, бундай қарама-қаршиликнинг мақсадга эришиш учун амалдан фойдаланиш, мухолифни мажбурлаш, унга тазйиқ ўтказиш сингари воситалардан фойдаланиш билан сира боғлиқлик жиҳати йўқ.

### ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР

Агар низони ташкилотнинг ўзида ҳал этишнинг имкони бўлмаса, муаммо суд тартибида ҳал этилиши мумкин. Фирма ходими иш берувчига нисбатан маънавий зарар қопланиши талаби билан даъво аризаси бериш ҳуқуқига эга.

Иш берувчи Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш талабларига риоя этиши шарт *(Меҳнат кодексининг 211-моддаси)*. Низоли вазият ходимнинг соғлиғига зарар етказиши, дейлик боши оғрийдиган бўлиб қолиши ва шунинг натижасида касаллик варақасини олишга мажбур бўлиши мумкин. Агар даъвогарнинг соғлиғига компания раҳбари ёки бирон ходимнинг айби билан зарар етказилган бўлса (масалан, асабийлашиш натижасида юрак хуружи тутиб, шунинг оқибатида ходим ногирон бўлиб қолган бўлса), ташкилот ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда тўлайди *(Меҳнат кодексининг 187, 189-моддалари)*.

Маънавий зарар, яъни иш берувчининг ходим ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида ходим ҳис этаётган жисмоний ёки руҳий азоблар пул шаклида ёхуд бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Бундай зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда бу масала судда кўрилади.

Ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори Меҳнат кодексининг 190-моддаси билан белгиланади. Бу миқдор жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек белгиланган ҳолларда эса бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборат бўлади.

Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Жабрланувчи – ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас. Шуниси ҳам борки, бунда ходим олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар тўловларни тайинлашда ҳисобга олинмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган. Чунончи, туҳмат энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача, ҳақорат қилиш эса йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади *(Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40 ва 41-моддалари)*. Мазкур Кодекснинг 49-моддасига кўра мансабдор шахс меҳнат ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, 51-моддасига кўра, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлов учун иш берувчи ёки бошқа мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жиноят кодексининг 139-моддасида била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳуқуқбузарлик кимга қаратилган бўлса, худди шу шахснинг ҳаётини жиддий тарзда ва анчагина мураккаблаштирувчи қилмиш ҳисобланади. Шу сабабли ҳам иғвогардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ундирилиши мумкин. Бундан ташқари мазкур Кодекснинг 140-моддасида шахсни беодоблик билан ҳақорат қилганлик – ходимнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Ҳукм қилинган шахс ана шу модда асосида энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима тўлаши, шунингдек бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин.

Диктофон, уяли телефон ёки видеокамера ёрдамида ёзиб олинган ёзувлар раҳбарнинг ёки ҳамкасабанинг айбини аниқлашда асос бўладиган далил вазифасини ўтайди. Шунингдек, даъвогарга нисбатан юзсизлик, андишасизлик ва беорлик хатти-ҳаракати қилинганлиги юзасидан хизматдошлардан бирортаси кўрсатув бериши талаб этилади *(Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси)*.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 163-моддасига биноан шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга даъво муддати татбиқ этилмайди. Бордию, зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш йўли билан етказилган бўлса, маънавий зарар, уни етказувчининг айбидан ҳамда тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар, қопланади *(Фуқаролик кодексининг 1021–1022-моддалари)*.

Гарчи қонун ҳужжатларида қўполлик қилганлик ва адоватли ҳамда ғаразли муносабат учун жавобгарлик назарда тутилган бўлсада, даъвогар низолашувда тезгина ғолиб чиқишига умид қилмаслиги керак. Суд муҳокамасида кўп вақт, куч ва асаб йўқотилади. Қолаверса, муаммо иш жойининг ўзида ҳам кескинлашиб боради, унга ола қарайдиганлар кўпайиши ҳам турган гап. Шу сабабли судга мурожаат этишдан аввал одам ўзини маънан бунга чоғламоғи керак.

РЕКЛАМА

**Бухгалтер, энди қонун ҳужжатлари устида фикр юритишга хожат йўқ!** 117 минг сўм

**1) "Бератор"да фирмани рўйхатдан ўтказишдан фаолиятини тугатишгача, 1000 дан ортиқ ТАЙЁР вазиятлар**
**2) Ҳар бир мавзу бўйича - қонунларнинг барча талабларини ҳисобга олган ҳолда тушунтиришлар, ўтказмалар, мисоллар.**
**3) Ҳар ойда янгилаш.**



**Ўз рақамларингизни қўйсангиз кифоя!**
Қонунчиликдаги ўзгаришларда папкангиздаги бир нечта саҳифани алмаштирамиз ва сизнинг тизимингиз эскирмайди. CDдаги версия мавжуд.

**Акция! Ҳар 3 кунда янгилаш!**
Янгилашга ёки "Бератор"га 15.04.08 й.дан ҳақ тўлаганларга электрон почта орқали ҳар 3 кунда янгилаш.

**"Академпресса" ва БТЛ.**
**ЯНГИ телефонлар: 241-05-42, 241-06-96, 241-14-10, 380-93-52 (ички назорат бўлими). Бератор фрагментлари, сарлавҳалар ва шартномалар факс ёки e-mail орқали: uzberator@rambler.ru. Демоверсия www.berator.uz да, вилоятларга етказиб бериш.**

**ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР** NORMA иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

**Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими?**
**Янги Солиқ кодекси чиқдими??**
**Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???**
**ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС**



**"АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ"**
1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар



**"АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ"**
2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар

**12 ой давомида 6 та янгилаш**
**• Тушунтиришлар • Шарҳлар • Тавсиялар**

***Биз иккитани бирда, учтани иккитада бирлаштирмаймиз – Биз тўлиқ ахборот берамиз!***

**Қўшимча ахборот учун телефонлар: 244-89-17, 244-44-29, 232-18-80**

***Таъсис шартномаси муассисларнинг юридик шахсни ташкил этиш тўғрисидаги хоҳишини мустаҳкамлаш шаклидир. Унинг асосида масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳам ташкил этилади** (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг биринчи қисми, бундан кейин – 310-II-сон Қонун).*

***Таъсис шартномасини имзоларкан, унинг иштирокчилари, биринчи навбатда, фаолияти пировард натижада мулкий фойда келтирадиган субъектни барпо этишдан иборат бўлган ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиладилар. Юридик жиҳатдан саводсиз тузилган таъсис шартномаси ушбу мақсадга эришиш эҳтимолини хавф остига қўйиши мумкин. Шу сабабли уни тузишга масъулият билан муносабатда бўлиш керак.***


*Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди*

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11


# МЧЖ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

## ШАРТНОМА ИШТИРОКЧИЛАРИ*

Одатда барча тарафлар таъсис шартномасида муассислар ёки иштирокчилар деб номланадилар. 310-II-сон Қонун 7-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра жисмоний шахслар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳисобланмаган юридик шахслар, агар қонунда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, унинг иштирокчилари бўла оладилар.

Таъсис шартномасида иштирокчилар доирасини аниқлаш чоғида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

– юридик шахс учун – тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, банк реквизитлари, унинг вакили бўлган шахснинг фамилияси, исми-шарифи ва лавозими, шунингдек вакиллик амалга оширилиши учун асос бўлган ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар;

– жисмоний шахслар учун – фамилия, исми-шарифи, паспорт маълумотлари, яшаш жойи, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса – шунингдек банк реквизитлари (агар у банкда ҳисобрақам очган бўлса).

## ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАКЛИ

Таъсис шартномасини тузиш тартиби икки тарафли ва кўп тарафли шартномалар тузиш тўғрисидаги умумий қоидаларга бўйсунади, уларга мувофиқ, агар унинг тарафлари ўртасида қонун талаб қиладиган шаклда шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган деб ҳисобланади. Қуйидагилар ана шундай шартлар ҳисобланади: шартнома предмети тўғрисида; қонунда мазкур турдаги шартномалар учун




муҳим ёки зарур шартлар деб айтилган шартлар; шунингдек тарафлардан бири томонидан келишувга эришиш учун мажбурий шартлар сифатида эълон қилинган шартлар.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган)* 11-бандининг иккинчи хатбошиси ҳамда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низом *(Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган)* 10-бандининг иккинчи хатбошиси мазмунидан келиб чиқиб, МЧЖ (ҚМЖ) ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тасдиқланиши керак.

## МУҲИМ ШАРТЛАР

310-II-сон Қонуннинг 12-моддасига кўра МЧЖ (ҚМЖ) таъсис шартномасида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

**1) юридик шахсни ташкил этиш бўйича муассисларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби,** у юридик шахсни ташкил этиш бўйича ҳаракатлар хусусияти (масалан, айнан бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номлари мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олиш, таъсис этилаётган шахсни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим этиш, банкда жамловчи ҳисобрақам очиш, киритиладиган пулсиз ҳиссаларни ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқиш) ва уларнинг аниқ муассислар томонидан бажарилиш муддатларини белгилаши керак;

**2) жамият устав капитали ва муассислар ҳар бири улушининг миқдори.** Устав фонди давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун томонидан белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак;

**3) ҳиссаларни таъсис этилаётган юридик шахсга бериш шартлари.** Уларни белгилаётганда муассислар томонидан киритилаётган ҳиссаларнинг миқдори, таркиби, уларни киритиш муддатлари ва тартиби назарда тутилиши керак. 310-II-сон Қонун 14-моддасининг олтинчи қисмига кўра жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида иштирокчиларнинг ҳар бири жамият устав капиталига ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шартлиги боис шартномада ҳиссаларнинг аниқ миқдорлари ва муассисларнинг ҳар бири томонидан уларни киритиш санаси назарда тутилиши зарур;

**4) иштирокчилар ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш шартлари ва тартиби.** Ушбу бандда иштирокчиларнинг ҳар бири оладиган фойда (кўрган зарар) миқдори нимага боғлиқлигини кўрсатиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига кўра фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайдиган шартлар назарда тутилиши зарур;

**5) таъсис этилаётган субъектнинг бошқарув органлари таркиби.** Шартномада мазкур шарт шакллантирилаётганида албатта жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш, шунингдек яккабош (коллегиал) ижроия органи ташкил этилиши назарда тутилиши керак. Муассисларнинг хоҳишига кўра шартномада жамиятнинг кузатув кенгаши ташкил этилиши назарда тутилиши мумкин. Бироқ унда жамиятни бошқариш ҳар бир органининг ваколатлар доирасини назарда тутиш керак эмас – мазкур ахборот кейинроқ уставда батафсил баён этилиши керак;

**6) ҳиссаларни қўшиш бўйича мажбуриятларини бузганлик учун муассисларнинг жавобгарлиги.** Шу муносабат билан шартномада муассислар томонидан ҳиссаларни қўшиш кечиктирилганлиги учун қўлланадиган тегишли жавобгарлик чоралари (жарималар, пенялар) назарда тутилиши зарур;

**7) муассисларнинг жамият таркибидан чиқиш тартиби** жамиятни бошқаришнинг тегишли органини иштирокчининг ундан чиқаётганлигидан хабардор қилиш шакли тўғрисидаги маълумотлар, жамият томонидан унинг устав капиталидаги ҳиссасининг ҳақиқий қийматини тўлаш миқдори, тартиби ва муддатларини ўз ичига олиши керак.

***Екатерина БУХТИЯРОВА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт юристи.***

**Таъсис шартномаси фақат камида икки муассис мавжудлигида тузилади. Бир муассис томонидан тузилган МЧЖ (ҚМЖ) учун ягона таъсис ҳужжати уставдир.*


РЕКЛАМА

pr_7-47-03

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг туғаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz


# ЖАВОБНИ ЎТГАН СОНДАН ИЗЛАНГ

**?** ***Корхонамиз «G'oybu-Transgazservis» МЧЖ 2007 йил декабрь ойида янги ташкил этилган. Фаолиятимизни жорий йилнинг апрель ойидан қурилиш материали ҳисобланган хом ғишт ишлаб чиқаришдан бошламоқчимиз. Ушбу мақсадларда Хоразм вилояти Урганч туман ҳокимлиги бизга захира фонди ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун яроқсиз бўлган ҳамда фойдаланилмаётган ер участкасини ажратиб берган. Фаолиятни амалга ошириш учун корхонамизда 20 та ишчи ўрнини ташкил этмоқчимиз.***

***Газетангизнинг 2008 йил 22 февралдаги 8 (708)-сонида босилган «Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни кимлар тўлайди» мақоласини ўқиб, менда баъзи саволлар пайдо бўлди.***

***Корхонамиз Солиқ кодексининг 243-моддасига асосан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи ҳисобланадими? Мазкур фаолият тури бўйича у бюджетга қандай солиқларни тўлаши керак?***

***Биз ўз фаолиятимизни амалга ошириш учун лицензия олишимиз керакми?***

**К.Ражапов,**
**корхона раҳбари.**

– Таҳририятимизга шунга ўхшаш савол билан аввалроқ «Kolpfarm» МЧЖ корхонаси ҳам мурожаат этган. БМТРД лойиҳаси эксперти Дилшод Султонов ўқувчининг саволига «Солиқ кодексини қўллаш амалиёти» рукни остида «СБХ»нинг ўтган сонида (2008 йил 4 апрель, 14-сон) жавоб берган.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

– ЎзР ДСҚ, АВнинг «Уй-жойларни олиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганда давлат божини ундириш тартиби тўғрисида тушунтиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР Халқ таълими вазирининг «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;

– ЎзР Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,*
*АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## УЙ-ЖОЙЛАРНИ ОЛИШ-СОТИШ, АЛМАШТИРИШ ВА ҲАДЯ ҚИЛИШ ШАРТНОМАЛАРИНИ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАГАНДА ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ТУШУНТИРИШНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 20 мартда 538-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 77-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 109-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Уй-жойларни олиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганда давлат божини ундириш тартиби тўғрисида тушунтириш (1998 йил 17 ноябрь, рўйхат рақами 538) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2008 йил 30 мартдан кучга киради.**

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2008-14-сон*

***Адлия вазири***
***Р.МУҲИТДИНОВ.***
*20-26-5-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 18 март.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ*
*БУЙРУҒИ*

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 20 мартда 1778-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 78-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

***2008 йил 30 мартдан кучга киради.**

***Халқ таълими вазири***
***Т. ДЖУРАЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 4 март*
*56-сон.*

*Халқ таълими вазирининг*
*2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сон қарори асосида умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестациясини (кейинги ўринларда якуний аттестация деб юритилади) ўтказиш жараёнини тартибга солади.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим муассасаларининг (бундан кейинги ўринларда мактаб деб юритилади) битирувчилари учун умумий ўрта таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин якуний аттестациядан ўтиш мажбурийдир, мазкур Низомнинг III-бўлимида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарори билан тасдиқланган «2004 — 2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастури»нинг ижроси тўлиқ таъминлангунга қадар ўтиш даврида ўрта таълим битирувчиларига (бундан кейинги ўринларда XI-синф битирувчилари деб юритилади) ҳам татбиқ этилади.

3. Мактаб битирувчиларининг билими, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларнинг бажарилиши бўйича якуний аттестация ёзма, оғзаки ёки тест усулида ҳар бир фаннинг амалдаги ўқув дастури асосида ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилади.

4. Таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва ўқув фанлардан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган, ёки битта ўқув фанидан қониқарсиз баҳоланган (ушбу фан бўйича якуний аттестациядан ўтиш шарти билан) битирувчилар мактаб педагогик кенгаши қарорига асосан якуний аттестацияга қўйиладилар.

5. Шартнома асосида мактабларда таҳсил олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар якуний аттестацияга мазкур Низомнинг 4-банди асосида қўйиладилар.

## II. ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

6. Битирувчи синфларда якуний аттестация ўтказиладиган фанлар рўйхати, шакли ва муддатлари ҳар ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

7. Битирувчи синфлар учун якуний аттестация материаллари (иншо мавзулари, математика бўйича топшириқлар, оғзаки имтиҳон билетлари, тест топшириқлари) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика таълим маркази томонидан тайёрланиб, экспертизадан ўтказилиб тасдиқланади. Тест материалларини экспертизадан ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари қатнашиши мумкин.

Фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларда педагогик кенгашнинг қарори билан ушбу фандан қўшимча якуний аттестация киритилиши мумкин. Имтиҳон билетлари, тест топшириқлари мактаб методик бирлашмалари томонидан тайёрланади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.

8. Мактаб битирувчиларининг якуний аттестациясини шу мактаб педагогик кенгаши томонидан тасдиқланган якуний аттестация комиссияси мувофиқлаштиради.

9. Якуний аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик мактаб якуний аттестация комиссия раиси зиммасида бўлади.

10. Якуний аттестация ўтказиладиган ҳар бир фандан мактаб директорининг буйруғи билан якуний давлат аттестация комиссияси (кейинги ўринларда якуний аттестация комиссияси деб юритилади) қуйидаги таркибда тайинланади:

ўқув фани бўйича якуний аттестация комиссияси раиси — мактаб директори, унинг ўринбосари ёки мактаб ўқитувчиси;

синфда мазкур фандан дарс берган ўқитувчи;

мазкур фан ёки ушбу фанга яқин фан ўқитувчиларидан иборат битта (XI-синфларда иккита) ассистент.

Фан бўйича якуний аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик ушбу комиссия раиси зиммасига юклатилади.

Якуний аттестация ўтказиладиган фандан дарс берган ўқитувчи шу синфга якуний аттестация комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

Якуний аттестацияда васийлик кенгаши, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва ота-оналар қўмитаси вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

11. Халқ таълими вазирлиги ва жойлардаги таълимни бошқариш идоралари мазкур Низом талабларининг бажарилишини назорат қилади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этишлари мумкин.

12. Ўқув фани бўйича якуний аттестация комиссияси аъзоларининг вазифалари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

13. Якуний аттестация мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Жадвал якуний аттестация бошланишидан камида 10 кун олдин кўринадиган жойга осиб қўйилади.

Якуний аттестация жадвалини тузишда қуйидагиларга эътибор берилади:

ўқув фанлари бўйича ўтказиладиган якуний аттестация оралиғи икки кундан кам бўлмаслиги керак;

жисмоний тарбия фанидан аввал амалий, кейин назарий якуний аттестация ўтказилади.

14. Якуний аттестация учун мактабда кенг ва ёруғ хоналар ажратилади.

Ёзма якуний аттестация вақтида битирувчилар парталар (столлар)га биттадан ўтқазилади.

15. Барча мактабларда якуний аттестация эрталаб соат 8.00 дан бошланади.

Оғзаки якуний аттестациядан ўтишда битирувчиларнинг сони 20 нафардан ортиқ бўлса, якуний аттестация икки гуруҳда кетма-кет бир кунда ўтказилиши мумкин.

16. Ўқувчиларга ёзма ва оғзаки якуний аттестацияда фойдаланиш учун мактаб штампи туширилган тоза варақлар берилади.

17. Она тили ва адабиёт фанидан ўтказиладиган баён ёки иншо мавзулари ҳамда математикадан топшириқларни танлаш, якуний аттестация бошланишидан олдин, барчанинг иштирокида топшириқ рақами солинган конвертни танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Иншо ёки баён мавзуси ва математикадан топшириқлар синф доскасига аниқ, тушунарли ҳолда ёзиб қўйилади (топшириқлар ҳар бир ўқувчига алоҳида вариант сифатида берилмаган ҳолларда).

18. Она тили ва адабиёт фанидан якуний аттестацияда иншо ёзиш даврида битирувчиларга якуний аттестация



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 15 (144) • 2008 йил 11 апрель 8

комиссиясининг розилиги билан ўз иншоларига киритиладиган парчаларни, айрим матнларни аниқлаб олишлари учун бадиий адабиётлардан фойдаланишларига рухсат этилади. Мавзу мазмунини талқин этувчи манбалардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Бошқа фанлардан якуний аттестация ўтказиладиган пайтида битирувчилар харита, глобус, турли жадваллар, чизмалар, муляж, гербарийлар, препаратлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва бошқа воситалардан фойдаланишларига рухсат берилади.

19. Ёзма ишларни бажариш пайтида битирувчилар эҳтиёж туфайли 5 — 10 дақиқага синфдан ташқарига чиқишларига рухсат берилади. Бундай ҳолларда битирувчи ёзма ишини якуний аттестация комиссияси аъзоларига топшириб кетади. Якуний аттестация комиссияси аъзолари томонидан эса ёзма ишга битирувчининг қанча муддатда синфдан ташқарида бўлганлиги белгилаб қўйилади.

20. Битирувчи ўз ишининг хомаки нусхасини ёзма иш билан бирга якуний аттестация комиссиясига топширади. Белгиланган вақтда ёзма ишни тугаллай олмаган битирувчилар уни тугатмаган ҳолда топширадилар.

21. Якуний аттестация тугаганидан сўнг ёзма ишлар якуний аттестация комиссияси раиси томонидан шифрланади ва комиссия аъзолари уларни мактабдан чиқмаган ҳолда текширадилар. Текшириб улгурилмаган ёзма ишлар сақлаш учун мактаб директорига топширилади.

Битирувчиларнинг «2» ва «5» билан баҳоланган иншолари, баёнлари, математика бўйича ёзма ишларига имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан тақриз ёзилади.

22. Битирувчи томонидан ёзилган баён ёки иншо учун иккита баҳо қўйилади:

биринчиси (суратда) адабиётдан мавзу мазмуни учун;
иккинчиси (махражида) она тилидан саводхонлиги учун.

Ушбу баҳолар адабиёт ва она тили фанларига якуний аттестация баҳоси сифатида қўйилади ҳамда шу фанлардан якуний баҳо чиқаришда асос бўлади.

23. Ёзма ишларнинг баҳолари навбатдаги якуний аттестация ўтказиладиган кунга қадар эълон қилинади.

24. Мактабни «аъло» даражали шаҳодатнома билан битиришга даъвогарлик қилаётган битирувчиларнинг ёзма ишларини имтиҳон комиссияси аъзолари якуний аттестация якунланган кун давомида текшириб, баҳолайдилар.

25. Мактабнинг IX-синф битирувчиларига она тилидан иншога 4 астрономик соат (баёнга 3 астрономик соат), математикадан ёзма ишга 3 астрономик соат, XI синф битирувчиларига иншо ва математикадан ёзма иш учун 4 астрономик соатдан, тест-синов топшириқлари берилиши кўзда тутилган бўлса, уларни бажаришга бериладиган вақт ижтимоий-гуманитар фанлар учун ҳар бир тест саволига 2 дақиқа, аниқ фанлар учун 3 дақиқа ажратилади.

Битирувчиларга оғзаки якуний аттестацияда олган топшириқлари бўйича тайёрланиш учун 15 — 20 дақиқа вақт берилади.

26. Якуний аттестация комиссияси аъзолари битирувчи ўқувчининг жавобларини диққат билан бўлмасдан тинглайдилар. Битирувчига билетда қўйилган топшириқлар доирасида қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Билет саволига жавоб бера олмаган битирувчига якуний аттестация комиссияси томонидан иккинчи марта билет олишга рухсат берилади. Иккинчи марта билет олган битирувчига қандай баҳо қўйишни унинг берган жавобига кўра комиссия аъзолари ҳал этади. Битирувчига учинчи марта билет олишга рухсат берилмайди ва унга якуний аттестациянинг баҳоси сифатида «қониқарсиз» баҳо қўйилади.

27. Битирувчиларнинг оғзаки якуний аттестацияда олган баҳолари шу синфда якуний аттестация якунланиши биланоқ уларга маълум қилинади.

28. Битирувчи оғзаки ёки ёзма якуний аттестацияни топшириш жараёнида белгиланган тартибни бузган тақдирда, у якуний аттестацияни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Битирувчи якуний аттестацияни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинганда якуний аттестация комиссияси томонидан бу ҳақда якуний аттестация баённомасига ёзиб қўйилади.

Мактаб педагогик кенгашининг қарори асосида унга якуний аттестация тугаган кундан кейин икки ҳафта ўтгач мазкур фандан қайта якуний аттестациядан ўтишга рухсат берилиши мумкин.

29. Ҳар бир фан бўйича оғзаки ёки ёзма якуний аттестация ўтказилгач, якуний аттестация комиссияси барча битирувчиларга йиллик ва якуний аттестация баҳолари асосида якуний баҳоларни қўядилар. Бунда, битирувчининг йиллик ва якуний аттестация баҳосининг ўртачаси олиниб яхлитланади. Якуний аттестацияда «қониқарсиз» баҳо олган битирувчига «қониқарли» якуний баҳо қўйилмайди.

Якуний аттестация комиссияси битирувчиларнинг баҳоларини якуний аттестация баённомасига киритади. Якуний аттестация баённомаси ушбу фан бўйича белгиланган якуний аттестация комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

30. Битирувчиларга ёзма ёки оғзаки якуний аттестация бўйича баҳо қўйиш якуний аттестация комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйиш асосида ҳал этилади.

Овозлар тенг бўлган ҳолларда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Якуний аттестация комиссияси аъзоларининг алоҳида фикрлари якуний аттестация баённомасига киритилади.

31. Тиббий муассасаларда даволанган битирувчи синф ўқувчиларига якуний баҳо қўйишда шифохона қошида ташкил этилган мактаб томонидан қўйилган баҳолар инобатга олинади.

32. Якуний аттестацияда олган баҳосига эътироз билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида апелляция комиссиялари тузилади.

Якуний аттестация комиссияси томонидан текширилган ёзма иш билан танишиш муддати ва тартиби ҳамда апелляция комиссиянинг иш муддати ва тартиби, унинг таркиби ҳамда ваколатлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан буйруқ билан расмийлаштирилади ва битирувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ва мактаб директорлари эътиборига якуний аттестация бошланишидан камида икки ҳафта олдин етказилади.

33. Якуний аттестацияда олган баҳосидан эътирози бўлган битирувчилар якуний аттестация баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

34. Чет элларда вақтинча билим олган (ота-онаси хориждаги дипломатик корпусларда ишлаётган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган) битирувчи ўқувчиларни якуний аттестацияга қўйиш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

Битирувчи ўқиган мамлакатда умумий ўрта ва ўрта таълимни тугатганлиги тўғрисида ҳужжат (шаҳодатнома, сертификат ва ҳ. к.) олган бўлса, уни Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаларида ташкил этилган комиссия хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари якуний аттестацияси бошқармаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нострификация қилинади.

Битирувчига чет мамлакатларда берилган ҳужжат Ўзбекистон Республикасида бериладиган шаҳодатнома ўрнини боса олмаса, яъни ўқувчи маълум бир фанлар йўналишидагина таълим олиб келган бўлса, у умумий тартибда

якуний аттестацияга киритилади. Бундай ҳолларда ўқувчи ўзига берилган ҳужжатда кўрсатилган фанлардан бошқа барча фанлар бўйича якуний аттестациядан ўтказилади.

Ўқувчига якуний баҳони қўйишда унинг аввалги синфларда олган баҳолари ҳам инобатга олинади.

35. Бир ёки икки фандан ўтказилган якуний аттестацияда қониқарсиз баҳо олган битирувчиларга охирги якуний аттестациядан кейин икки ҳафта ўтгач қониқарсиз баҳо олган фанидан қайта якуний аттестациядан ўтиш ҳуқуқи берилади.

36. Йиллик баҳо ва якуний аттестация натижаларига кўра, умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари талабларини бажармай, «қониқарсиз» баҳо олган IX-синф битирувчилари шу синфда қайта ўқишга қолдирилади, XI синф битирувчиларига эса бундай ҳолларда ўқиганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

## III. БИТИРУВЧИЛАРНИ ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯДАН ОЗОД ЭТИШ

37. Фанларни ижобий ўзлаштираётган битирувчилар якуний аттестациядан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари буйруқлари асосида қуйидаги ҳолларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан тасдиқланган якуний аттестациядан озод қилиш мумкин бўлган касалликларга асосан;

халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли кўрик-танловларида битирувчиларнинг иштироки бевосита якуний аттестация даврига тўғри келса. Бунда битирувчи шу кунлардаги якуний аттестациядан озод этилади.

38. Битирувчи йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ҳолда соғлиғи туфайли якуний аттестациядан озод этилган тақдирда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қуйидаги ҳужжатларга асосланган ҳолда буйруқ қабул қилади:

мактаб жойлашган ҳудуддаги даволаниш муассасаси тиббий-назорат комиссиясининг мактаб шифокори, қишлоқ жойларда эса туман бош педиатри билан келишган ҳолдаги тиббий хулосалари;

мактаб педагогика кенгашининг қарори ва директорнинг расмий хати, ўзлаштириш табели (ушбу кўрсатилган ҳужжатлар директор имзоси ва мактаб муҳри билан тасдиқланади).

XI-синф битирувчилари юқорида акс эттирилган сабаблар ва ҳужжатлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси буйруқлари асосида якуний аттестациядан қисман ёки бутунлай озод этиладилар.

39. Битирувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши (Республикадан ташқарига чиқиш) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатлари бўлса, (бу ҳолат март-апрель-май ойларида юзага келса) бундай битирувчиларга якуний аттестациядан муддатидан илгари ўтишларига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг буйруғи билан рухсат берилади.

Бундай ҳолларда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган фанлардан якуний аттестация, қолган фанлардан эса синовлар мазкур низом талаблари асосида ўтказилади. Якуний аттестация ва синовлар мактаб директори тузган муваққат якуний аттестация комиссияси томонидан ва у тасдиқлаган жадвал асосида ўтказилади.

40. Якуний аттестация даврида касал бўлган ва якуний аттестация жараёни тугашигача тузалиб келган битирувчилар мактаб директорининг буйруғига кўра қолдирилган фанлардан якуний аттестация тугагандан сўнг икки ҳафта ўтгач якуний аттестациядан ўтадилар.

Ўқувчиларнинг саломатлиги бўйича жисмоний тарбия машғулотларидан озод этилишлари, уларнинг мактабни битиришларига таъсир кўрсатмайди.

## IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

41. Мазкур Низом талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

42. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

***Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги***
***Давлат тест маркази директори***
***Б.ИСМОИЛОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 29 февраль.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,*
*ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,*
*ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИШГА ҚАМРАБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1779-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 79-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 473-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

***Халқ таълими вазири***
***Т.ДЖУРАЕВ.***
*6-сон*

***Олий ва ўрта махсус таълим вазири***
***А.ПАРПИЕВ.***
*56/1-сон*

***Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори***
***З.САТТОРОВ.***
*09/ҚҚ-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 4 март.*

***2008 йил 5 апрелдан кучга киради.***

*Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,*
*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг*
*2008 йил 4 мартдаги 6, 56/1, 09/ҚҚ-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАМРАБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

Мазкур Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябридаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 473-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2003 йил 20-сон, 199-модда) мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битирувчиларини (бундан кейинги ўринларда битирувчилар деб юритилади) уларнинг ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан ихтиёрий равишда танланган таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш тартибини белгилайди.

Битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## I. БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИГА ТОПШИРИШ ҲАМДА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Халқ таълими тизимида ўтказилган ташхис натижаларига мувофиқ, битирувчиларнинг ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланган таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришлари тўғрисидаги аризалари асосида умумий ўрта таълим мактаблари директорлари томонидан ҳужжатлар йиғма жилди шакллантирилади.

2. Жойларда ўн икки йиллик мажбурий таълим тизимига тўлиқ ўтиш масалаларини ҳал этиш, битирувчилар ва ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва меҳнат бозорида талаб этилаётган мутахассисликлар (касблар) тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда улар учун барча қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлиги қошида доимий фаолият кўрсатувчи маслаҳат маркази (штаби) ташкил этилади. Ушбу маслаҳат марказларига жойлардаги манфаатдор идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этилади.

3. Умумий ўрта таълим мактаблари директорлари битирувчиларнинг тўлиқ ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчи ҳамда ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)-нинг бевосита иштирокида тегишли академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларига топширадилар. Умумий ўрта таълим мактаби ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорлари ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади ва тўрт нусхада расмийлаштирилади.

4. Далолатноманинг нусхалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармаларида, умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежлари директорларида сақланади. Ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчи ёки унинг ота-онасига бериб юбориш ман этилади.

5. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўз ҳудудларидаги битирувчиларни муайян таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича қамраб олиш имкониятлари доирасида ўқиш истагини билдирган битирувчилар аризаларига кўра академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари сафига тўғридан-тўғри қамраб олинади.

6. Халқаро, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичидаги фан олимпиадалари, танлов ва мусобақа ғолиблари (йўналишларига кўра), аъло даражадаги умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномага эга бўлган, I ва II-гуруҳ ногиронлари, ота-онасининг қаровисиз қолган ва чин етим битирувчилар таълим муассасаси имкониятлари доирасида имтиёзли равишда қамраб олинади.

7. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг қамраб олиш имкониятидан ортиқ битирувчилар ўқиш истагини билдирган ҳолатлар қуйидагича тартибга солинади:

а) шаҳодатноманинг ўртача бали бўйича, ушбу баллар тенг бўлиб қолган ҳолларда танлаган академик лицей ва касб-ҳунар коллежи таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича битирувчининг тегишли фанлардан (мазкур банднинг «б» кичик бандида белгиланган фанлардан) олган баллар йиғиндиси бўйича;

б) таълим муассасаларининг таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича қуйидаги фанлардан тўплаган баллар йиғиндиси ҳисобга олинади:

академик лицейларнинг — аниқ фанлар, касб-ҳунар коллежларининг — таълим, фан ҳамда муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари: математика, физика, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), тарих;

академик лицейларнинг — ижтимоий гуманитар фанлар ҳамда маданият ва санъат, касб-ҳунар коллежларининг — ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ ҳамда гуманитар фанлар ва санъат: тарих, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), математика;

академик лицейларнинг — табиий фанлар, касб-ҳунар коллежларининг — қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот: кимё, биология, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), тарих, математика;

академик лицейларнинг — хорижий филология, касб-ҳунар коллежларининг — хизматлар: умумий ўрта таълим мактабида ўқиган чет тили, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), математика, тарих.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича шу йўналишдаги бошланғич махсус маълумотга эга бўлганлар устунликка эга бўладилар.

8. Имкониятлари чекланган битирувчилар Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларига таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари қошидаги тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулоса ва тавсияси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг йўлланмалари асосида қамраб олинади.

9. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан қуйидаги ҳолларда масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади:

а) таълим муассасасига битирувчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар)дан келиб тушган аризалар сони таълим муассасасининг қамраб олиш имкониятларидан ортиқ бўлганда;

б) ўқувчилар турар жойи бўлмаган таълим муассасасига бошқа ҳудудлардан битирувчилар келганда, шунингдек, уларнинг сони таълим муассасасининг ўқувчиларни турар жойидаги ўринлар сонидан кўп бўлганда;

в) битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш жараёнида ўрта махсус, касб-

ҳунар таълими муассасаларида низоли ҳоллар вужудга келганда.

10. Ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган ҳолатлар бўйича қамраб олинмаган битирувчиларнинг ҳужжатлари, уларнинг ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг бевосита иштирокида ҳудудий Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан қамраб олиш имконияти мавжуд бўлган бошқа ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига ўтказилади.

Бу борада ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари директорлари томонидан ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади ва тўрт нусхада расмийлаштирилади. Нусхалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими ҳудудий бошқармаларига тақдим этилади.

11. Ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари бошлиқлари барча маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ёзма ахборот беради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази битирувчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олинганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига ҳисобот беради.

12. Битирувчиларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан назорат қилинади.

13. Битирувчиларнинг ҳужжатлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ ва ўз вақтида топширилишига умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорлари шахсан жавобгардир.

## II. БИТИРУВЧИЛАРНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИГА ҚАМРАБ ОЛИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

14. Битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш якунига кўра 10 кун муддатда уларни ўқувчилар сафига расмийлаштириш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## III. БИТИРУВЧИЛАРНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИТИШ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

16. Мажбурий ўқишни давом эттириш учун битирувчиларга тўсқинлик қилаётган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг мансабдор шахслари, шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2008 йил 7 мартдаги мажлиси 1-сон баёни билан маъқулланган.

18. Мазкур Вақтинчалик низом 2010 йил 1 январгача амал қилинади.

***Маданият ва спорт ишлари вазири Р.ҚУРБОНОВ.***

***Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.ҚЎЗИЕВ.***

*Тошкент ш., 2008 йил 3 март.*

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 5 МАРТДАГИ ПФ–3972-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1780-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 80-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-43 ва 99-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги (2007 йил 6 ноябрь, рўйхат рақами 1736 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 45-сон, 455-модда) қарори 2008 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А.ҲАИТОВ.***
*7-сон*

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***
*27-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 20 март.*

---

***2008 йил 5 апрелдан кучга киради.***

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий*
*муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия*
*вазирлигининг 2008 йил 20 мартдаги 7, 27-сонли қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 5 МАРТДАГИ ПФ–3972-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2008 йилнинг 1 апрелидан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

а) энг кам иш ҳақи — ойига 20 865 сўм;

б) ёшга доир пенсиялар — ойига 41 330 сўм;

в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 41 330 сўм;

г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 25 030 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади (20 865 сўм х 8 = 166 920 сўм).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пенсионернинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (20 865 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 41 330 сўм, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 20 665 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 20 865 сўмдан 75 145 сўм 46 тийингача (III-гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 68 883 сўм 33 тийингача) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори ойига 41 330 сўм миқдорда, III-гуруҳ ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 20 665 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Пенсионерлар бошқа тоифаларининг пенсияларини қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (166 920 сўм);

олинган ўртача ойлик иш ҳақи, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (20 865 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида йўриқномага*
*ИЛОВА*

## ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШДА ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИНИ ТЕНГЛАШТИРИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР

| Даврлар | Коэфф. | | Даврлар | Коэфф. |
|---|---|---|---|---|
| 1971 йил йилга қадар | 869,9764 | | 1994 йил 1 мартдан | 0,6469 |
| 1971 йил | 847,8414 | | 1994 йил 1 июндан | 0,4319 |
| 1972 йил | 826,7815 | | 1994 йил 1 июлдан | 427,4789 |
| 1973 йил | 800,3357 | | 1994 йил 1 августдан | 350,4346 |
| 1974 йил | 746,6478 | | 1994 йил сентябрдан | 304,6525 |
| 1975 йил | 730,2634 | | 1994 йил 1 ноябрдан | 236,3793 |
| 1976 йил | 714,5943 | | 1995 йил 1 январдан | 236,3793 |
| 1977 йил | 694,7608 | | 1995 йил 1 мартдан | 119,6614 |
| 1978 йил | 671,4012 | | 1995 йил 1 сентябрдан | 92,1371 |
| 1979 йил | 658,1782 | | 1996 йил 1 январдан | 92,1371 |
| 1980 йил | 641,2898 | | 1996 йил 1 апрелдан | 68,4916 |
| 1981 йил | 629,2158 | | 1996 йил 1 сентябрдан | 47,7946 |
| 1982 йил | 629,1437 | | 1997 йил 1 январдан | 47,7946 |
| 1983 йил | 617,5722 | | 1997 йил 1 июлдан | 33,2765 |
| 1984 йил | 617,5016 | | 1998 йил 1 январдан | 33,2765 |

| Даврлар | Коэфф. | Даврлар | Коэфф. |
|---|---|---|---|
| 1985 йил | 610,0258 | 1998 йил 1 июлдан | 24,2215 |
| 1986 йил | 602,6961 | 1999йил 1 январдан | 19,8369 |
| 1987 йил | 588,4653 | 1999 йил 1 августдан | 15,4522 |
| 1988 йил | 549,7272 | 2000 йил 1 августдан | 10,0629 |
| 1989 йил | 515,6612 | 2001 йил 1 августдан | 7,1886 |
| 1990 йил | 465,3533 | 2002 йил 1 апрелдан | 6,2512 |
| 1991 йил | 321,1111 | 2002 йил 1 августдан | 5,4348 |
| 1992 йил 1 январдан | 94,9408 | 2003 йил 1 майдан | 4,5291 |
| 1992 йил 1 июлдан | 44,4146 | 2004 йил 1 августдан | 3,4842 |
| 1992 йил 1 октябрдан | 21,3473 | 2005 йил 1 майдан | 2,9030 |
| 1993 йил 1 январдан | 15,7411 | 2005 йил 1 октябрдан | 2,4191 |
| 1993 йил 1 апрелдан | 11,2859 | 2006 йил 1 июлдан | 2,0159 |
| 1993 йил 1 июндан | 4,8165 | 2006 йил 1 ноябрдан | 1,6800 |
| 1993 йил 1 июлдан | 3,0929 | 2007 йил 1 августдан | 1,3440 |
| 1993 йил 1 сентябрдан | 2,3721 | 2007 йил 1 ноябрдан | 1,2218 |
| 1993 йил 1 ноябрдан | 1,4398 | 2007 йил 1 декабрдан | 1,1199 |
| 1994 йил 1 январдан | 1,0785 | 2008 йил 1 апрелдан | 1,0000 |

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР РЎЙХАТИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1669-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 82-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сонли «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда) 5-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги 2-5/21, 34, ЭГ-01/10-1702, 01-02/8-10-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига (2007 йил 31 март, рўйхат рақами 1669 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 149-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2008 йил 5 апрелдан кучга киради.**

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХЎЖАЕВ.***
*42-сон*

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*25-сон*

***Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири***
***Э.ҒАНИЕВ.***
*НН-01/10-1620-сон*

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***
*01-02/8-26-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 24 март.*

*Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 42, 25, НН-01/10-1620, 01-02/8-26-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қуйидаги мазмундаги $72^1$ ва $75^1$-бандлар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| $72^1$. | 8701 30 900 | Бошқа гусеницали тракторлар |
| $75^1$. | 8905 10 900 | Бошқа земснарядлар |

Бизнес **Панорама** РЕКЛАМА & АХБОРОТ

«Норма маслаҳатчи» 15 (144)-сон — 2008 йил 11 апрель

PR_564
**“ALFA-DENT” ХФ**
клиникалар тармоғи
• Тишларни даволаш ва протезлаш
• Юзнинг косметик жарроҳлиги, пирсинг
Тел.: 252-37-33, 254-24-24
Госпитал бозор ёнида — ЦУМ ёнида



**“ART-FLEX” МЧЖ — ҲАММАСИ ОФИС УЧУН**
Тўлов исталган шаклда
- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ КУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
- ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Тел.: 244-0493, 244-3792, 267-9753, 68-7597

“SANAY” ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли
# К А Ф Е Л Ь
сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40
**Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз**
SANAY Co.Ltd
Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
Тошкентдаги омбордан сотилади
Тўлов – исталган шаклда
pr_8-01-01



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

“Бизнес-панорама. Реклама & ахборот” рукни “Premier-press” реклама агентлиги томонидан тайёрланди. Тел.: 244-02-01, 244-02-40.

**IndustrialEXPO**
Uzbekistan
**[КЎРГАЗМА]**
«Интерконтиненталь» меҳмонхонаси
2008 й. 16-18 апрель

## 4-нчи Халқаро саноат кўргазмаси “Энергетика. Кимё. Машинасозлик”

Расмий кўмак
Тошкент ш. ҳокимлиги
“Ўзбекэнерго” ДАК
“Ўзкимёсаноат” ДАК
“Ўзстандарт” агентлиги
ЎзР Савдо-саноат палатаси

ZAR EXPO

Ташкилотчи:
Ўзбекистон, 100001, Тошкент, Хуршид кўч., 17
Тел.+99871 2340034
Факс +99871 2411211
e-mail: sales@zarexpo.com
web: www.zarexpo.com

EURASIAN FOODS
**“EURASIAN FOODS” АЖ**
## ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТИ
(сариёғ, маргарин, майонез, ўсимлик ёғи)ни
**Ўзбекистон Республикасида сотиш учун компанияларни ҳамкорликка таклиф этади**
Қозоғистондаги (Қарағанда ш.) алоқа боғлаш телефонлари:
**+7 7212 44 12 08, 44 09 85**
**+7 701 588 90 42, 544 71 80**
E-mail: jsc _ kmz@mail.ru
Батафсил маълумотлар www.margarine.kz сайтида

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 244-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

ЎЗЭКСПО МАРКАЗ
Тошкент
Ўзбекистон

CAITME
Central Asian International Textile Machinery Exhibition

**16-18 апрель 2008 й.**

4-нчи Марказий Осиё халқаро
# КЎРГАЗМАСИ
# ГАЗЛАМА УСКУНАЛАРИ

www.textileexpo.uz — www.ite-uzbekistan.uz

Ташкилотчи:
ITE UZBEKISTAN
Тел. +(998 71) 113 01 80
факс +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

Маросимнинг расмий очилиши
2008 йил 16 апрель соат 11.00 да

Кўргазманинг ишлаш вақти:
16 апрель 11.30 - 18.00 17 апрель 10.00 - 18.00
18 апрель 10.00 - 16.00

ufi Member

**www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф**

Товар сертификатланган
"Sanar Motors" МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери


Автосалон: Тошкент ш., Х.Абдуллаев кўч., 54А, "Буюк ипак йўли" метро бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975.
Барча автомобиллар божхонада расмийлаштирилган
www. kiamotors.com

РЕКЛАМА

Бизнес П
244 02 01
244 02 40

• РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 28 мартдаги ажримларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб топиш бўйича иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "KUCH STIL" МЧЖ | 10-0811/3571 |
| "O'ZBEGIM-MEVA-SABZAVOT-BIZNES" ШК | 10-0811/3572 |
| "VRINDAVN SAVDO" ХК | 10-0811/3570 |

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2008 йил 15 апрель соат 10.30 да Чилонзор туман ДСИ биносида ўтказилади. Тугатув бошқарувчиси этиб Т.Хайрутдинов тайинланган. Ушбу корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўчаси, 51а-уй манзилига билдиришлари мумкин. Тел. 276-98-15.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 1 апрелдаги 11-0823/3271-сонли ажримига асосан Бекобод туманидаги "Фурқат Бойзоков" ФХни (СТИР 205430936) банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхона бўйича 2008 йил 9 апрель соат 9.00 да Бекобод туман ДСИ мажлислар залида сайёр суд мажлис муҳокамаси бўлиб ўтади. Кредиторлар 1-йиғилиши 2008 йил 17 апрель соат 10.00 да Бекобод туман ДСИ биносининг 18-хонасида ўтказилади. Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Фарҳод кўчаси, 5-уй. Тел. 150-49-97.

РАСМИЙ ДИЛЕР
"УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ" ОАЖ
UAZ
"VOSTOK RUS AVTO" МЧЖ ХИИК
Тошкентдаги омбордан УАЗ русумидаги барча автомобиллар ва ишлаб чиқарувчидан эҳтиёт қисмларни сотади


Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўч., 27. E-mail: vostokrusavto@bk.ru

ЎзЭКСПО МАРКАЗ
Тошкент
TIHE 2008
2008 й. 24-27 АПРЕЛЬ
13-нчи Ўзбекистон халқаро
КЎРГАЗМАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
Ташкилотчи:
ITE UZBEKISTAN
Маросимнинг расмий очилиши
2008 йил 24 апрель соат 11.00 да
Кўргазманинг ишлаш вақти:
24 апрель 11.30 - 18.00
25 апрель 10.00 - 18.00
26 апрель 10.00 - 18.00
27 апрель 10.00 - 16.00
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўч., 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: + (998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member

• РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси | ва рақами | ХТУТ (ОКПО) | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "SIMMELI-SMAIL" МЧЖ | 206112214 | 30.04.07 | 001358-03 | 20661117 | 10-0804/2497 |
| "GENEZIZ-INFO" ХФ | 203572928 | 03.04.01 | 580 | 18028571 | 10-0804/2498 |
| "KAMELOT MANAGEMENT" МЧЖ | 205476134 | 21.02.05 | 000792-03 | 19999118 | 10-0804/2499 |
| "MASHKURA-TOJIVOY" ХФ | 204518248 | 23.04.03 | 653 | 19093197 | 10-0804/2500 |
| "OSIYO DON KLASSIK" МЧЖ | 206821005 | 21.02.07 | 002371-03 | 21525853 | 10-0804/2501 |
| "TASHKENT PRIME REALTY" МЧЖ | 300498013 | 29.06.07 | 002627-03 | 22015539 | 10-0804/2502 |
| "NAVRO'ZI OLAM MCHJ" МЧЖ | 203624133 | 23.05.03 | 943 (1015) | 18107224 | 10-0804/2503 |
| "ELENA-KOSMETIK" МЧЖ | 206305718 | 30.03.06 | 001429-03 | 20809719 | 10-0804/2504 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Тошкент ш., Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани ҳокимлигининг махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 14 мартдаги 10-0820/2717.(19)-сонли ажримига асосан Собир Раҳимов туманидаги "Ashanur-Universal" MCHJга нисбатан умумий соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Мувақкат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Б.Хайитбоев тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 14 апрель соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, туман ДСИ биноси, 111-хонада бўлади. Умумий тартибда банкротлик ишининг муҳокамаси 2008 йил 18 апрель соат 14.00 да Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 1-қават, 111-хонада бўлади.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Сергели туманидаги банкрот деб эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами | Санаси |
|---|---|---|
| "AISHA-ANNIK" ХФ | 10-0815/2400(19) | 19.03.08 |
| "ЛАЁҚАТ ҚУРИЛИШ" МЧЖ | 10-0815/2401(19) | 19.03.08 |
| "KAMOSH MALIK" ХФ | 10-0815/2402(19) | 19.03.08 |
| "ҲАМРО БОБО" ХФ | 10-0815/2403(19) | 19.03.08 |
| "Савоб ва Яхшилик"ХФ | 10-0815/3216(19) | 01.04.08 |
| "Ал Мезон Бухор" ХФ | 10-0815/3217(19) | 01.04.08 |
| "МАЖИДХОН РАШИД" ХК | 10-0815/3218(19) | 01.04.08 |
| "KOM KOR TRADE" МЧЖ | 10-0815/3237(19) | 01.04.08 |
| "ADVIZE ANGEL" МЧЖ | 10-0815/3238(19) | 01.04.08 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими Н.Ибрагимов тайинланган. Корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар даъволари билан эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 6-хона. Тел. 257-77-70.

